ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ ШАРОИТИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ИЖТИМОИЙ МАСЪУЛИЯТ МУТАНОСИБЛИГИ

Талапов Бахриддин Алижанович
Фалсафа фанлари доктори (DSc),
Наманган давлат университети профессори
Тел.: +998 90 596 08 58 | E-mail: baxriddintalapov68@gmail.com
ORCID: 0009-0009-0877-1620
https://doi.org/10.5281/zenodo.24269852

Аннотация. Мақолада ижтимоий давлат шароитида инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий масъулият мутаносиблигининг фалсафий-ҳуқуқий асослари таҳлил қилинади. Ҳуқуқ ва масъулиятнинг ўзаро алоқадорлиги шахс қадр-қиммати, ижтимоий адолат ва давлатнинг конституциявий мажбуриятлари нуқтаи назаридан талқин этилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2023 йилги таҳрири, миллий илмий тадқиқотлар, Жон Ролз ва Амартя Сен қарашлари қиёсий-фалсафий ва норматив таҳлил асосида ўрганилган. Инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий масъулият муносабатларининг асимметрик хусусияти ёритилиб, ижтимоий масъулиятнинг уч даражали модели ҳамда уни баҳолаш учун ўзаро боғлиқ тўртта мезон таклиф этилган. Ушбу натижалар норматив-назарий таҳлилга асосланган бўлиб, эмпирик синовдан ўтказилган методика сифатида талқин қилинмайди.

Калит сўзлар: ижтимоий давлат, инсон ҳуқуқлари, ижтимоий масъулият, ижтимоий адолат, инсон қадр-қиммати, конституциявий кафолат, мутаносиблик, инклюзивлик.

СООТНОШЕНИЕ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА И СОЦИАЛЬНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ В УСЛОВИЯХ СОЦИАЛЬНОГО ГОСУДАРСТВА

Аннотация. В статье анализируются философско-правовые основания соотношения прав человека и социальной ответственности в условиях социального государства. Их взаимосвязь рассматривается через достоинство личности, социальную справедливость и конституционные обязанности государства. На основе Конституции Узбекистана в редакции 2023 года, национальных исследований и концепций Джона Ролза и Амартии Сена обосновывается асимметричный характер данного соотношения. Предлагаются трёхуровневая модель социальной ответственности и четыре взаимосвязанных критерия её оценки. Результаты носят нормативно-теоретический характер и не претендуют на статус эмпирически проверенной методики.

Ключевые слова: социальное государство, права человека, социальная ответственность, справедливость, достоинство, конституционные гарантии, пропорциональность

THE BALANCE BETWEEN HUMAN RIGHTS AND SOCIAL RESPONSIBILITY IN A SOCIAL STATE

Abstract. This article examines the philosophical and legal foundations of the relationship between human rights and social responsibility in a social state. It considers human dignity, social justice and the constitutional obligations of public authorities. Drawing on the 2023 Constitution of Uzbekistan, national

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

scholarship, and the approaches of John Rawls and Amartya Sen, it discusses the asymmetric character of this relationship. A three-level model of social responsibility and four interconnected evaluative criteria are proposed. The findings derive from normative and conceptual analysis rather than empirical testing.

Keywords: social state, human rights, social responsibility, social justice, human dignity, constitutional guarantees, proportionality, inclusion.

КИРИШ

Ижтимоий давлатнинг мазмун-моҳиятини фақат бюджетдан ажратилган маблағларни ижтимоий соҳаларга йўналтирилганлиги ва унинг ҳажми, нафақалар сони ёки давлат дастурларининг ташкилий кўлами билан изоҳланмайди. Давлатнинг соҳага оид сиёсатининг марказида инсон қадр-қиммати, дахлсизлик ҳуқуқлари, ижтимоий адолат ва умумий фаровонликни таъминлашга доир мажбуриятларнинг ўзаро алоқадорлиги туради.

Ҳуқуқ шахснинг давлат ва жамият олдидаги мустақил мақомини ифодаласа, ижтимоий масъулият шу мақомнинг реал ҳаётда рўёбга чиқишини таъминловчи институционал ва ахлоқий шарт-шароитларни билдиради. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2023 йилдаги янги таҳририда мамлакат ижтимоий давлат сифатида белгиланиши ана шу муносабатни қайта талқин қилиш учун конституциявий асос яратди [1]. Бироқ ҳуқуқий норманинг мавжудлиги билан унинг ижтимоий натижаси айнан бир ҳодиса эмас. Инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий масъулиятнинг мутаносиблиги айрим талқинларда ҳуқуқ ҳамда бурчнинг миқдорий тенглиги сифатида тасаввур қилинади. Бундай ёндашув фундаментал ҳуқуқларнинг дахлсизлик табиатини заифлаштириши мумкин. Шахс фақат муайян мажбуриятни бажаргани учунгина қадр-қимматга эга бўлмайди; аксинча, қадр-қимматга эгалиги сабабли унинг ҳуқуқларини таъминлаш бўйича давлат зиммасига алоҳида вазифалар юкланади. Шу маънода мутаносиблик ҳуқуқнинг бурчга шартли алмаштирилиши эмас, балки турли субъектларнинг имконияти, ваколати ва жавобгарлигини қонуний меъёрлар асосида уйғунлаштиришдир. Масалан, ижтимоий ёрдам олиш тартибида текшириш механизмлари қонуний бўлиши мумкин, бироқ бу тартиб ёрдамга муҳтож шахсни камситувчи муомалага асос бўла олмайди. Ижтимоий давлат назариясидаги баҳслар эркинлик ва тенгликнинг алоҳида фалсафий мазмунидан келиб чиқади. Либерал қарашлар инсоннинг асосий эркинликлари ҳамда ҳокимият ваколатининг чекланишига урғу беради, ижтимоий адолат концепсиялари эса эркинликлардан фойдаланиш имкониятлари тенг бўлмаган шароитларни таҳлил қилади. Америкалик файласуф Жон Ролз адолатли институтлар ва асосий эркинликларнинг устуворлигини асослайди; Машҳур ҳинд иқтисодчиси ва файласуфи Амартя Сен эса инсоннинг реал имкониятлари, яъни таълим олиш, соғлом яшаш, ижтимоий ҳаётда иштирок этиш қобилиятига эътибор қаратади [5, 6]. Бу икки ёндашувни ўзаро инкор этувчи назариялар сифатида эмас, ижтимоий давлатнинг турли жиҳатларини очиб берувчи методологик ресурслар сифатида ўрганиш самаралидир.

Мазкур мақоланинг марказий илмий муаммоси ижтимоий давлатда ҳуқуқларнинг универсаллиги билан уларни амалга ошириш шарт-шароитларининг фарқлилиги, шунингдек, шахснинг эркинлиги билан давлат ва жамиятнинг ижтимоий мажбуриятлари ўртасидаги муносабатни изчил тушунтириш заруратидан келиб чиқади. Бунда «мутаносиблик» ҳуқуқ ва бурчлар сонининг тенглиги эмас; у ҳуқуқлар дахлсизлигини сақлаган ҳолда турли субъектларнинг имконияти, ваколати ва жавобгарлигини адолатли мувофиқлаштириш мезони сифатида қаралади. Шу нуқтаи назардан мақоланинг мақсади инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий масъулият

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

алоқадорлигини фалсафий-ҳуқуқий жиҳатдан очиб бериш, ушбу муносабатнинг даражалари ҳамда уни баҳолаш мезонларини назарий асослашдан иборат.

Ўзбекистон конституциявий тизимида инсон ҳуқуқларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади сифатида белгиланган. Конституциянинг 54-моддаси ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлашнинг умумий йўналишини, 55-моддаси уларни суд орқали ҳимоя қилиш ҳамда ноқонуний қарорлардан шикоят қилиш имкониятини, 57-моддаси эса ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ давлат вазифаларини ифодалайди [1]. Мазкур нормаларнинг биргаликда талқини универсал ҳуқуқлар билан манзилли ёрдам ўртасидаги сохта зиддиятни бартараф этади. Ҳар бир кишининг қадр-қиммати тенг бўлса-да, унга зарур бўлган ҳуқуқий ва моддий кўмакнинг шакли бир хил бўлиши шарт эмас. Ҳуқуқий тенглик билан ҳаётий имкониятларнинг тенглиги ўртасида мураккаб муносабат мавжуд. Расмий равишда барча мурожаатчилар учун ягона электрон ариза шакли жорий этилиши ташкилий жиҳатдан тенг кўриниши мумкин. Аммо интернетга уланиш имконияти чекланган, ногиронлиги мавжуд ёки рақамли саводхонлиги етарли бўлмаган фуқаро бундай тизимга бошқача шароитда киради. Шунинг учун ижтимоий масъулиятнинг муҳим кўрсаткичи бир хил тартибларнинг эълон қилиниши эмас, балки мазкур тартиблар доирасида тенг ҳуқуқлардан амалда фойдаланиш мумкинлигидир. Бу хулоса ижтимоий ҳимояни шахснинг алоҳида ҳолатини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш зарурлигини кўрсатади.

Халқаро ҳуқуқий меъёрларда фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларнинг муҳим кафолатлари ҳамда иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқларни босқичма-босқич амалга ошириш масалалари фарқланади [7, 10]. Давлатнинг ресурс имконияти айрим хизматларни кенгайтириш суръатига таъсир қилиши мумкин, лекин бу ҳолат камситиш, тушунтирилмаган рад жавоби ёки суд ҳимоясидан маҳрум этишни оқламайди. Ижтимоий масъулият шунинг учун ахлоқий шиор билан чегараланмайди: у қарорлар учун ҳуқуқий асос яратиш, тегишли гуруҳларга ахборот бериш, мурожаатларни эшитиш ва хатоларни тузатиш тартибларини ҳам қамраб олади. Бундай талқин давлат фаолиятини ҳомийлик муносабатидан ҳуқуққа таянувчи хизмат муносабатига айлантиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси маълумотларида камбағаллик даражаси 2021 йилдаги 17,0 фоиздан 2025 йилда 5,8 фоизга камайгани қайд этилган [4]. Мазкур динамика моддий фаровонликнинг бир жиҳати бўйича муҳим эмпирик контекстни беради. Шу билан бирга, камбағаллик кўрсаткичининг ўзгариши ижтимоий ҳуқуқларнинг барча йўналишларида тенг тараққиёт бўлганини исботламайди. Ногиронлиги бўлган шахслар учун инфратузилма очиқлиги, маъмурий қарорларнинг шаффофлиги ёки судга мурожаат имконияти алоҳида мезонлар билан ўрганилиши керак.

Ижтимоий давлатда фуқаролик масъулиятининг моҳиятини таҳлил этар эканмиз, таъкидлаш жоизки, агар масъулият сўзсиз итоаткорликка тенглаштирилса, шахс ўз ҳуқуқлари бўйича талаб қўйиш имкониятидан маҳрум бўлиши хавфи туғилади. Аксинча, масъулият фаол иштирок, бошқаларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, қонуний мажбуриятларни бажариш ва давлат қарорлари муҳокамасида қатнашиш сифатида тушунилса, ҳуқуқ ва бурч ўртасида конструктив алоқа шаклланади. Бунда давлатнинг масъулияти кўлами фуқаролар зиммасидаги оддий вазифаларга нисбатан кенгроқдир, чунки ҳокимият ресурсларни тақсимлаш, мажбурий қарор қабул қилиш ва ҳуқуқий санкциялар қўллаш имкониятига эга.

Эркинлик ва масъулият диалектикаси шунда намоён бўладики, шахснинг мустақил танлов қилиш имконияти унинг бошқалар ҳуқуқларини эътироф этиши билан бирга мавжуд бўлади;

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

бироқ мазкур ўзаро алоқадорлик инсоннинг асосий ҳуқуқларини давлат ёки жамият олдидаги хизматлари билан шартлаштиришни англатмайди. Индивидуал ҳуқуқ ва жамоавий манфаат ўртасида зиддият юзага келганда, уларни мувофиқлаштириш ҳуқуқий асос, зарурат ва мутаносиблик тамойиллари орқали амалга оширилиши лозим. Ижтимоий адолат ҳам бир хил миқдорда ёрдам тақсимлаш билан чекланмай, турли эҳтиёж ва имкониятларни ҳисобга оладиган асосли қарорлар қабул қилишни талаб этади. Шундай қилиб, давлатнинг ижтимоий масъулияти фуқаронинг фаоллигини инкор қилмайди, фуқаролик масъулияти эса давлатнинг конституциявий мажбуриятларини алмаштирмайди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистонда ижтимоий давлат масаласи юзасидан шаклланаётган тадқиқотлар ҳуқуқий тамойиллар, фуқаролик жамияти ва маънавий масъулиятни биргаликда кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатади. Зафар Ботировнинг 2025 йилда чоп этилган илмий мақоласида ижтимоий давлатнинг ҳуқуқий асослари инсонпарварлик, адолат, тенглик ва масъулият каби қадриятларнинг ўзаро алоқадорлиги орқали таҳлил қилинади [2]. Олимнинг ёндашувида давлатнинг ижтимоий характери шунчаки ёрдам чораларининг кўплиги билан эмас, балки мазкур чораларнинг ҳуқуқий ва фалсафий асосланганлиги билан белгиланади. Мазкур нуқтаи назар конституциявий ислоҳотларни аксиологик мезонлар орқали баҳолашда муҳим методологик имконият яратади. Иккинчи илмий йўналиш А. Р. Мўминов ва М. А. Тиллабойевнинг А. Х. Саидов таҳрири остида нашр этилган «Инсон ҳуқуқлари» дарслигида ифодаланган [3]. Асарда инсон ҳуқуқларининг тарихий тараққиёти, халқаро стандартлар, ҳуқуқий ҳимоя механизмлари ва миллий институтларнинг вазифалари тизимлаштирилади. Мазкур ёндашув ижтимоий давлат ғоясига процессуал нуқтаи назардан қараш имконини беради: давлат ёрдам кўрсатаётгани унинг хатти-ҳаракатларини автоматик равишда адолатли қилмайди, чунки ҳар бир шахс қонунийлик, тенг муомала ва шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Шу тариқа ижтимоий хизматнинг мазмуни билан уни амалга ошириш тартиби ўзаро ажралмас омилларга айланади. Тадқиқотчи З Ботировнинг ижтимоий-фалсафий концепсияси ва А. Мўминов ҳамда М. Тиллабойевнинг ҳуқуқий таҳлили бир-бирини тўлдирса-да, илмий саволлари айнан бир хил эмас. Биринчи ёндашув адолат ва ҳамжиҳатликнинг қадриятлар тизимидаги ўрнини очса, иккинчиси ҳуқуқларни амалга оширувчи меъёрий кафолатларга урғу беради. Уларни уйғун ўқиш ижтимоий ёрдамдаги икки хавфни аниқлаштиради: бир томондан, процессуал ҳимоясиз патернализм; иккинчи томондан, реал эҳтиёжларни ҳисобга олмайдиган формал тенглик. Шу сабабли мақолада ҳар икки олимнинг ишларига яхлит назарий тизим доирасида мурожаат қилинди, бироқ уларнинг хулосалари далилсиз кенгайтирилмади.

Хорижий адабиётларда Жон Ролзнинг «Адолат назарияси» ва Амартя Сеннинг «Тараққиёт эркинлик сифатида» асарлари муҳим концептуал манбалар сифатида танланди [5, 6]. Ролз институтларнинг адолатли тузилишини ва асосий эркинликларнинг ҳимоясини устун қўйса, Амартя Сен инсоннинг амалда нимага қодирлиги, яъни ресурсларни реал имкониятга айлантириш шароитларини текширади. Мазкур назарий муносабат ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш, ҳудудий тафовутлар ва ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятига оид баҳсларни чуқурлаштиради. Халқаро пакт ва ногиронлар ҳуқуқлари бўйича конвенция ҳам муаммонинг норматив қирраларини ёритишга хизмат қилади [7, 8]. Ўрганилган манбаларнинг муҳим чеклови шундаки, назарий адабиётлар адолатнинг мезонларини белгиласа, расмий

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

статистик маълумотлар турмуш шароитининг айрим ўзгаришларини тавсифлайди. Улар ўртасида автоматик сабаб-оқибат алоқаси йўқ. Шу боис тадқиқот амалий тажриба ўтказилган деган даъвони илгари сурмайди. Аксинча, конституциявий нормалар, миллий илмий ишлар ва расмий кўрсаткичлар қиёсий ўрганилиб, келгусида эмпирик текширилиши мумкин бўлган фалсафий-ҳуқуқий хулосалар ишлаб чиқилди. Миллий адабиётлар билан хорижий назария ўртасидаги боғланишда тарихий шароит алоҳида ўрин тутади. Умумий фалсафий тамойилни муайян мамлакатга татбиқ қилишда унинг ҳуқуқ тизими, давлат хизматлари тузилиши ва фуқароларнинг амалий эҳтиёжлари эътиборга олиниши керак. Шу жиҳатдан маҳаллий олимлар ҳуқуқий тараққиётнинг миллий институтлар билан алоқасини очиб беради, халқаро назариялар эса ушбу институтларни таққослаш имконини берадиган умумий мезонларни таклиф қилади. Бундай манбалараро мулоқот бирор муаллифнинг позициясини мутлақ ҳақиқат сифатида қабул қилиш эмас, кўп қиррали муаммони бир нечта изоҳлаш даражасида текширишни англатади.

Ролз ва Сен ёндашувлари ўртасидаги методологик фарқни аниқ сақлаш муҳим: биринчиси, аввало, институтларнинг адолатли тузилиши ва асосий эркинликларга урғу берса, иккинчиси, расман мавжуд ҳуқуқ ҳамда ресурсларнинг инсон ҳаётида ҳақиқий имкониятга айланишини марказга қўяди. Ушбу ғояларни бирлаштириш мақоладаги муаллифлик модели учун назарий асос вазифасини бажаради, бироқ уларнинг ўзини янги назария сифатида талқин қилишга асос бўлмайди. Мавжуд адабиётлар кўпроқ ҳуқуқий кафолатлар ёки ижтимоий адолат тамойилларини алоҳида ёритади; мақола эса уларнинг ўзаро боғлиқлигини «ҳуқуқларни таъминлаш — қарор қабул қилиш ва ҳисобдорлик — жамоавий иштирок» кетма-кетлигида концептуал тартибга солишга қаратилган.

МЕТОДОЛОГИК ҚИСМ

Мақолада норматив-аналитик тадқиқот дизайни қўлланиб, фалсафий герменевтика, ҳуқуқий-догматик таҳлил, қиёсий-фалсафий метод, тарихий-контекстуал ёндашув ва расм ий статистик маълумотларни тавсифий талқин қилиш усуллари ишлатилди. Тадқиқот объекти ижтимоий давлат институтларида ҳуқуқ ва масъулиятнинг ўзаро муносабати бўлса, предмети мазкур муносабатни инсон қадр-қиммати ва ижтимоий адолат нуқтаи назаридан баҳолаш имконини берадиган тамойиллардан иборат. Мазкур иш доирасида сўровнома, суҳбат ёки тажриба-синов ташкил этилмади; натижалар мавжуд ҳужжат ва илмий асарларнинг тизимли таҳлилига асосланади. Дастлаб 2023 йилги Конституцияда ижтимоий давлатнинг умумий белгиланиши, инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг олий мақсад эканлиги, суд ҳимояси ва эҳтиёжманд шахсларнинг ҳуқуқларига оид қоидалар ўзаро боғлиқликда ўрганилди [1]. Герменевтик ёндашув норманинг луғавий мазмуни билан чегараланмасдан, унинг бутун конституциявий тизимдаги функциясини аниқлашга хизмат қилди. Шу орқали ҳуқуқий кафолат, сиёсий дастур ва маънавий талаб тушунчалари фарқланди. Ҳуқуқларни чеклашга оид вазиятларда эса қонунийлик, легитим мақсад, зарурат ва мутаносиблик талабларининг алоҳида текширилиши назарда тутилди. Иккинчи босқичда Ролз ва Сен ёндашувлари қиёсий-фалсафий усулда таҳлил қилинди [5, 6]. Бу метод хорижий моделни миллий ҳуқуқий тизимга кўр-кўрона кўчиришга эмас, мавжуд ижтимоий муносабатларни баҳолаш учун турли мезонларни солиштиришга қаратилди. Ролз талқинида институтларнинг адолатли қоидалари, Сен талқинида эса фуқаронинг ҳақиқий имкониятлари асосий эътибор марказига чиқарилди. Халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар билан қиёслаш жараёнида камситмаслик, оқилона мослаштириш ва самарали ҳимоя талаблари алоҳида ажратиб олинди [7,

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

8]. Таҳлилда тўртта баҳолаш мезони шакллантирилди: ҳуқуқлар устуворлиги, ресурсларни тақсимлаш қарорларининг очиқ асосланиши, институтларнинг ҳисобдорлиги ва реал имкониятларни ҳисобга олувчи инклюзивлик. Биринчи мезон шахснинг асосий ҳуқуқлари ижтимоий ёрдам шартларига бўйсундирилмаётганини текширади. Иккинчиси ёрдамни фарқлаш сабаблари қонуний ва эҳтиёжга мослигини аниқлайди. Учинчи мезон қарор устидан шикоят қилиш ва хатони тузатиш механизмларига эътибор қаратади. Тўртинчиси эса бир хил формал қоида турли гуруҳларга нисбатан турлича таъсир этиши мумкинлигини баҳолайди. Ушбу мезонлар муаллифлик таҳлилий таклифи бўлиб, давлат томонидан тасдиқланган расмий индекс сифатида кўрсатилмайди. Расмий статистик қисмда Миллий статистика қўмитасининг 2021–2025 йиллардаги камбағаллик кўрсаткичлари ўрганилди [4]. Статистик қатордан фақат тавсифий хулосалар чиқарилди; камайишнинг сабабини бирор алоҳида дастур билан тенглаштиришга йўл қўйилмади. Шунингдек, манбалар ҳуқуқий мақоми бўйича ажратилди: Конституция ва халқаро ҳужжатлар норматив асосни, илмий асарлар назарий позицияни, статистика эса муайян ижтимоий ҳолатнинг миқдорий тасвирини таъминлади. Бу тафовут далилларнинг нотўғри умумлаштирилишини чеклайди.

Таҳлилнинг изчиллиги қуйидагича таъминланди: фалсафий герменевтика ёрдамида «ҳуқуқ», «масъулият», «адолат» ва «мутаносиблик» тушунчаларининг мазмуний алоқалари очилди; ҳуқуқий-догматик усулда конституциявий мажбурият ва кафолатларнинг меъёрий мақоми ажратилди; қиёсий-фалсафий таҳлил Ролз ва Сен қарашларининг изоҳлаш имкониятлари ҳамда чекловларини таққослашга хизмат қилди. Мавжуд статистик қатор эса фақат контекстуал ахборот сифатида қўлланди. Шу сабабли таклиф этилаётган мезонлар эмпирик баҳолаш воситаси эмас, келгуси амалий тадқиқот учун концептуал асосдир.

НАТИЖАЛАР

Тадқиқот натижасида инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий масъулият мутаносиблигининг асимметрик характери асосланди. Инсоннинг фундаментал ҳуқуқлари фақат муайян бурч бажарилганидан кейин юзага келадиган имтиёз ҳисобланмайди. Давлат эса нормалар қабул қилиш, ресурсларни тақсимлаш ва мажбурлов қўллаш ваколатига эга бўлгани сабабли алоҳида ҳисобдорликни ўз зиммасига олади. Фуқаронинг бошқалар ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, қонуний мажбуриятларни бажариш ва ижтимоий ҳамкорликдаги масъулияти шу тизимнинг бир қисми бўлса-да, у давлатнинг конституциявий вазифаларини бекор қилмайди. Ҳуқуқнинг устуворлиги ва мажбуриятнинг қонунийлиги мувозанатнинг дастлабки шартидир [1, 7]. Иккинчи натижа сифатида ижтимоий масъулиятнинг уч даражали модели таклиф этилди. Конституциявий даража дахлсиз ҳуқуқлар ва давлатнинг асосий мақсадларини белгилайди. Институтсионал даража шаффоф тартиблар, тенг мурожаат имкониятлари, қарорларни қайта кўриб чиқиш ва шикоят механизмларини қамраб олади. Жамоавий-ахлоқий даражада ихтиёрий ҳамжиҳатлик, касбий масъулият ва фуқаролик иштироки намоён бўлади. Мазкур даражаларни бир-бирига алмаштириб юбориш ижтимоий ёрдамни ҳомийлик билан, бошқарув ҳисоботини эса ҳақиқий ҳисобдорлик билан тенглаштиришга сабаб бўлиши мумкин. Моделнинг вазифаси ушбу тушунчавий чалкашликни камайтиришдир. Учинчи натижа шуни кўрсатдики, имкониятлар тенглигига йўналтирилган адолат талқини соф процессуал бир хилликдан кенгроқдир. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжлари, чекка ҳудудларда яшовчиларнинг хизматга етиб бориш харажатлари ва рақамли саводхонликдаги фарқлар реал фойдаланиш имкониятига таъсир қилади.

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

Конституциянинг 57-моддаси ва ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатлар муайян шароитда қўшимча мослаштиришлар зарурлигини асослашга хизмат қилади [1, 8]. Шу сабабли маъмурий тартибнинг барчага бир хил эълон қилинганлиги ҳали амалдаги тенгликнинг етарли исботи ҳисобланмайди. Тўртинчи натижа статистик фактларнинг талқинига тааллуқли. Расмий маълумотлар бўйича камбағаллик даражаси 2021 йилда 17,0 фоиз, 2022 йилда 14,1 фоиз, 2023 йилда 11,0 фоиз, 2024 йилда 8,9 фоиз ва 2025 йилда 5,8 фоиз бўлган [4]. Бу кўрсаткич муҳим ижтимоий ўзгаришни акс эттиради. Бироқ тадқиқот фойдаланилган статистик қатор орқали мазкур динамикани бирор алоҳида ҳуқуқий ёки ижтимоий сиёсатнинг бевосита натижаси сифатида исботламайди. Камбағаллик, хизмат сифати, ҳуқуқий ёрдамдан фойдаланиш ва апелляция механизмлари алоҳида таҳлил предметлари эканлиги асосланди.

Таклиф этилган уч даражали моделда конституциявий даража ҳуқуқларнинг норматив устуворлигини белгилайди; институционал даража шу устуворликнинг қарор қабул қилиш, ахборот бериш, мурожаатни кўриб чиқиш ва хатоларни тузатиш жараёнларида амалга ошишини ифодалайди; жамоавий-ахлоқий даража эса ўзаро ишонч, ихтиёрий ҳамжиҳатлик ва фуқаролик иштирокини қамраб олади. Даражаларнинг алоқаси бир томонлама эмас: ҳуқуқий кафолатлар институтлар учун чегара ва мезон ўрнатади, институтларнинг ҳисобдорлиги фуқаролик иштирокини кучайтиради, фуқароларнинг фаоллиги эса институтлар фаолиятини жамоатчилик назорати билан тўлдиради. Бу муносабатлар ҳуқуқларни жамоавий розиликка боғлаб қўйишга асос бўлмайди.

Тўртта баҳолаш мезони мазкур моделнинг турли жиҳатларини ўзаро боғлиқ ҳолда очади: ҳуқуқлар устуворлиги — қарорнинг асосий ҳуқуқларга мувофиқлигини; тақсимлашнинг асосланганлиги — фарқли ёрдам ёки чекловнинг қонуний ва эҳтиёжга мос сабабларини; институционал ҳисобдорлик — қарорни тушунтириш, уни қайта кўриб чиқ иш ва шикоят қилиш имконини; инклюзивлик — расман тенг тартибдан турли гуруҳларнинг амалда фойдалана олишини текширишга йўналтирилган. Уларнинг илмий аҳамияти алоҳида атамаларнинг янгилигида эмас, балки ҳуқуқ ва масъулият муносабатларини бир бутун назарий доирада баҳолаш учун тизимлаштирилганидадир.

МУҲОКАМА

Муҳокаманинг марказида Жон Ролз ва Амартя Сен адолат назариялари ўртасидаги концептуал муносабат туради. Ролз жамиятнинг асосий тузилмаси адолатли қоидалар ҳамда тенг асосий эркинликларга таянишини асослайди [5]. Сен эса ресурслар ёки формал ҳуқуқларни мавжуд деб қайд этишнинг ўзи етарли эмаслигини, шахснинг ушбу имкониятларни реал ҳаётий фаолиятга айлантира олиши муҳимлигини таъкидлайди [6]. Бу ерда олимларнинг бевосита учрашувдаги баҳси эмас, балки нашр этилган асарларидаги қарашлар қиёсий талқин қилинади. Мазкур полемика ижтимоий давлат сиёсатининг самарадорлигини баҳолашда муҳим: қонуний тенглик амалий тенгликка олиб келаётганини алоҳида текшириш лозим. Ролз ёндашувининг кучли томони бошқарувни очиқ тамойиллар билан чеклашидадир. Фуқаролар қабул қилинадиган қарорларнинг қандай принциплар асосида чиқарилишини билиши керак. Бироқ барча мурожаатчилар учун ягона электрон тартиб белгилаш ташкилий жиҳатдан адолатли кўрингани ҳолда, алоҳида эҳтиёжга эга шахсларнинг реал имкониятини торайтириши мумкин. Сен айнан шундай чекловларни кўрсатиб, қобилиятлар ва имкониятлар фарқига эътиборни жалб қилади. Шу билан бирга, фақат натижага урғу бериш ҳам хавфсиз эмас: процессуал мезонлар мавжуд бўлмаса,

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

мансабдор шахслар «манфаат» номидан асоссиз фарқлашларни оқлаши эҳтимоли пайдо бўлади. Демак, икки назария бир-бирини танқидий тўлдиради. Шахсий саъй-ҳаракат ва ижтимоий жавобгарлик тўғрисидаги баҳс ҳам шунга боғлиқ. Меҳнат, тадбиркорлик, таълимга интилиш ҳамда қонуний мажбуриятларни бажариш фуқаролик фаоллигининг муҳим кўринишларидир. Аммо барча имкониятлар тенг бўлмаган шароитда қашшоқликни фақат шахсий сусткашлик билан изоҳлаш мантиқан нотўғри бўлиши мумкин. Ролз учун савол институтлар ҳамкорликнинг адолатли шартларини яратадими, Сен учун эса одам ҳақиқий танлов имкониятига эгами, деган мезонлар орқали қўйилади. Бу масала ижтимоий масъулиятни ахлоқий жазолаш воситаси эмас, шахснинг имкониятини кенгайтириш шарти сифатида тушунтиради. Яна бир баҳс давлатнинг ижтимоий мажбуриятлари ва фискал барқарорликка доирдир. Ижтимоий дастурларни кенгайтириш ресурсларни талаб қилади ва келгуси авлод манфаатини ҳисобга олишни зарур қилади. Лекин ресурсларнинг чекланганлигини тан олиш асосий ҳуқуқларни номаълум муддатга кечиктиришга имкон бермайди. Адолатли бошқарув танлов ва устуворликларни очиқ асослаш, уларга нисбатан жамоатчилик муҳокамасини ташкил қилиш, муҳим ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва қарорларнинг тақсимловчи таъсирини баҳолаш билан тавсифланади. Фалсафий жиҳатдан барқарорлик ҳамда ҳамжиҳатлик бир-бирини инкор этувчи эмас, ўзаро тартибга солиниши керак бўлган қадриятлардир.

Шу ўринда икки ёндашув ўртасидаги фарқни қарама-қаршиликка айлантирмаслик лозим. Адолатли институтлар тузилмаси ҳуқуқларнинг барқарор кафолатини яратиши мумкин, лекин бундай кафолатнинг амалий натижаси ҳар бир шахснинг шароитлари билан белгиланади. Аксинча, реал имкониятларга эътибор шахсий эҳтиёжларни асосли ҳисобга олишга хизмат қилади, аммо умумий ҳуқуқий тартиб ва ҳисобдорлик талабларисиз ихтиёрий қарорларга йўл очиши мумкин. Демак, фалсафий муаммо икки назариядан бирини мутлақлаштиришда эмас, балки ҳуқуқий барқарорлик ва ҳаётий имкониятлар ўртасидаги тартибга солинувчи алоқани очиб беришдадир.

Ўзбекистонлик тадқиқотчилар ёндашувлари баҳсни маҳаллий ҳуқуқий жараёнга боғлаш имконини беради. Тадқиқотчилар З. Ботиров ижтимоий давлатнинг инсонпарварлик ва адолатга оид асосларини изоҳласа, А. Мўминов ҳамда М. Тиллабойев инсон ҳуқуқларининг ҳуқуқий ҳимоя механизмларини тизимлаштиради [2, 3]. Уларнинг умумий назарий майдонида ижтимоий давлат саховат кўрсатувчи чексиз ҳокимият эмас, балки ҳуқуқий назоратга бўйсунадиган мажбуриятлар тизими сифатида талқин қилинади. Бу талқин фуқарони бошқарув объекти эмас, муҳокама ва шикоят қилиш ҳуқуқига эга мустақил субъект сифатида эътироф этишни талаб қилади.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижасида ижтимоий давлатда инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий масъулият мутаносиблиги ҳуқуқ ва бурчнинг механик тенглиги эмас, балки инсон қадр-қиммати устуворлиги шароитида давлат, институтлар ва фуқароларнинг турлича ваколат ҳамда мажбуриятларини мувофиқлаштириш муносабати экани кўрсатилди. Биринчидан, ушбу муносабат асимметрик хусусиятга эга: фуқаролик масъулияти давлатнинг фундаментал ҳуқуқларни таъминлаш мажбуриятини бекор қилмайди. Иккинчидан, ижтимоий масъулиятнинг конституциявий, институционал ва жамоавий-ахлоқий даражалари ўзаро боғлиқ, аммо мазмунан бир-бирининг ўрнини босмайди. Учинчидан, ҳуқуқлар устуворлиги, ресурсларни тақсимлашнинг асосланганлиги, институционал ҳисобдорлик ва инклюзивлик мезонлари мазкур муносабатни биргаликда назарий баҳолаш имконини беради. Тўртинчидан, расмий камбағаллик статистикаси

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

ижтимоий шароитдаги ўзгаришни тавсифлайди, лекин ҳуқуқларнинг амалий таъминланганлиги ёки муайян сиёсатнинг сабабий самарадорлигини мустақил исботламайди. Шундан келиб чиқиб, ижтимоий хизматлар бўйича қарорларнинг тушунарли асосланиши, самарали шикоят механизмлари ва эҳтиёжга мос инклюзив ечимлар муҳим амалий йўналишлар сифатида ажратилади. Таклиф этилган модель ва мезонлар назарий таклиф бўлиб, уларнинг амалий самарадорлигини келгусида алоҳида эмпирик ўрганиш зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (2023 йил 30 апрелдаги референдумда қабул қилинган янги таҳрир). — URL: https://lex.uz/docs/-6445145 (мурожаат санаси: 11.11.2026).
2. Ботиров З. Ўзбекистонда ижтимоий давлатнинг ҳуқуқий асосларини шакллантиришнинг ижтимоий-фалсафий асослари // Journal of Universal Science Research. — 2025. — Т. 3, № 6. — Б. 576–581. — DOI: 10.66301/jusr.v3i6.12962.
3. Мўминов А. Р., Тиллабойев М. А. Инсон ҳуқуқлари: дарслик / А. Х. Саидов таҳрири остида. — 2-нашр. — Тошкент: Адолат, 2013. — 544 б. — ИСБН 978-9943-394-82-7.
4. Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси. Камбағаллик даражаси (2021–2025 йиллар): расмий статистик маълумотлар. — URL: https://siat.stat.uz/data/3495/ (мурожаат санаси: 11.11.2026).
5. Rawls J. A Theory of Justice. — Revised ed. — Cambridge, MA: Harvard University Press, 1999. — 538 p.
6. Sen A. Development as Freedom. — New York: Alfred A. Knopf, 1999. — 366 p.
7. United Nations. International Covenant on Economic, Social and Cultural Rights. — Adopted 16 December 1966. — URL: https://www.ohchr.org/en/instruments-mechanisms/instruments/international-covenant-economic-social-and-cultural-rights.
8. United Nations. Convention on the Rights of Persons with Disabilities. — Adopted 13 December 2006. — URL: https://www.ohchr.org/en/instruments-mechanisms/instruments/convention-rights-persons-disabilities.
9. United Nations Development Programme. Human Development Report 2023/2024: Breaking the Gridlock. — New York: UNDP, 2024. — URL: https://hdr.undp.org/content/human-development-report-2023-24.
10. United Nations. Universal Declaration of Human Rights. — Adopted 10 December 1948. — URL: https://www.un.org/en/about-us/universal-declaration-of-human-rights.

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.